Ақлинг пилигига ўт улашгувчи бир шамдай,
Сочларингни тафт ила силагувчи кафт ҳамда
Пешонангдан жим ўпар лаб дегани, биродар.
Устоз дегани, хуллас, ҳурмати гоят кабир,
Маърифат учун қалқон, жаҳолат учун жабр,
Бу Зотларнинг Аллоҳга яқинлиги бор, ахир,
"Мураббий"нинг ўзаги "Раб" дегани, биродар.

Онажон

Ҳаёт бошим силамас кўп. Сен силайсан, Онажон,
Неки яхши бўлса менга Сен тилайсан, Онажон,
Оромбахсану ором не Сен билмайсан, Онажон,
Онажоним, айланайин, бошимдаги кафтингдан,
Кафтингдаги музтозларни эритгувчи тафтингдан,
Нури дийданг изларимга пояндоzlар қилдингми,
Кипригинги ўйларимда хокандозлар қилдингми,
Юзларингга доз, ажиндан, ох, пардоzlар қилдингми,
Онажоним, ўргилаин, гайратингдан, шахтингдан,
Тилларингдан тўклигувчи асалларинг, шахдингдан,
Она борки, бу дунёда меҳр устун бўлгайдир,
Она борки, бу дунёда қаҳр остин бўлгайдир,
Она борки, бу дунёда багринг бутун бўлгайдир,
Онажоним, айланайин, сўригинанг - тахтингдан,
Фарзандларинг камолидан топиб олган баҳтингдан,
Сенга масал битайми ё сенга газал битай ман,
Сен ожиза эмасдирсан, қалам ожиз, нетай ман,
Бир кун кетсам - пойингдаги жаннатларга кетай ман,
Рустам ўғлини кечмагай ҳеч ўзинг берган аҳдингдан,
Тўйлар тўйга уланмасми сўз очилса мадхингдан?!
Ҳаёт бошим силамас кўп. Сен силайсан, Онажон!

СИНМАЙДИГАН САБР. Сўнмайдиан оташ

Хоразм булбули, раҳматли устоз санъаткоримиз Олмахон Ҳайитова сұхбатларидан бирида шундай деганини эшитганимиз:

- Қандай янги ашула ўрганиб, томошабинга тақдим құлсам ҳам, мұхлислар “Онам дерман” күшигимни бир марта эшитмагунларича күнгиллари тұлмайды. Ўзим ҳам нақырон пайтимда шу күшикни қандай завқ билан күллаган бўлсан, кексайғанимда ҳам худди шундай сурур билан айтдим. “Жона-жон-им-ей, онам дерман”, деганимда бир овозимга минг довуш қўшилгандек бўлади...



Dарҳақиқат, шундай. Эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган фидойилик, ҳарорати йиллар оша аланталанадиган мұхаббат – бу оналик дегани. Дийдор лаҳзаларида адо бўлмайдиган қувонч орага фироқ тушганида охири кўринмайдиган соғинч дегани яна. Синмайдиган сабр, кемтилмайдиган матонат, хоримайдиган умид ҳам оналикка хос туйғулар.

Аксарият формуласалар макон, вақт, одам танлайди. Аммо юқорида келтирғанларимиз бундан мустасно. Чунки улар дунёдаги барча оналарга мос келади.

Бухоро вилояти Жондор тумани худудида жойлашган “Маҳмуд Таробий” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи Матлабхоним Курбонова ҳам жамиятда, ҳам оиласда күч-куввати, билими, бир сўз билан айтганда, Аллоҳдан ато бор бойлигини болаларга бағишлигар аёлдир. У чорак асрдан зиёдроқ ўзларига ватан ичра ватан бўлган Коровул қишлоғидаги 25-умумтаълим мактабида инглиз тилидан дарс берди. Муаллима иштиёқ билан иш бошлаган йиллари қишлоқларда чет тиллардан мутахассислар етишмасди. Умуман, юртимиздаги барча таълимтарбия масканларида шунга ўхшаш ҳолат кузатиларди.

шеър ўқиб:

“Муаллимжон, бу шеърни бизга бешинчи синфда ёд олдирган эдингиз”, деса роса суюнибман. Биз – устозларнинг топган бойлигимиз шу-да, – дейди нафақадаги муаллима ўзи учун ёқимли бўлган хотираларни эслар экан. Яратган эгам ҳар бандасига тилагидагини беради. Тақдирми ё болажонлиги боисми Матлабхон ва турмуш ўртоғи, энергетикилиги боис уйдан кўра кўчада кўпроқ умри ўтадиган Мустафо Курбоновлар олти нафар фарзанднинг ота-онаси бўлиш бахтига мұяссар бўлиши. Кўп фарзандли оиланинг бувиларида битта одат бор: улар аксарият ҳолларда невараларининг исмини адаштириб кўйишади. Хонадон бибилари Чинни момо, унинг келини Нусхаби, яъни Матлабхоннинг кўш қайноналари ҳам мактабдан қайтиб сумкасини ҳовли останасига кўйиб, хонадонга яқин стадионда террабишиб тўп тепаётган бўйлари бири-биридан бир ёки ярим қарич фарқ қиласидиган ўғлонларни:

- Ферузбек, Фаррухжон, Зафаржон, Жавлонбек, - дея ҳаммасини отма-от айтиб, сўнгиди керакли исмини топиб олишарди: – Ҳаҳ, уйинта буғдой тўлгур Шавкатбек...

Қандай чақиришидан қатъий назар, бувилар бу болаларнинг соғлом, ақлли бўлиб камолга етиши учун келинларини астойдил кўллаб-кувватлашди. Ҳатто, кенжатой Насибахоннинг дунёга келиши ҳам шу бибиларнинг истаклари билан боғлик, десак адашмаган бўламиз.

- Беш ўғлингнинг ҳар бири айвонингнинг бир устуни. Кексайғанда юрагингта мадор бўлгани каби қиз фарзанд ҳам кўзнинг нури, гавҳари экан. Мана, бугун ўша беш оғалари эъзозида эркаланиб, уларнинг ориятлари қўргонида улгайган Насибахон

олий таълимнинг магистратура босқичини тамомлаб, ўқишини докторантурада давом эттириш ниятида. Бир гўзал оиланинг бекаси, Аллоҳ уни ҳам оналик баҳти билан сийлаган.

Ўзлари ҳаётда қандай баландликларга эришган бўлса, барчасига илм, билимга таяниб етишганлари учун эр-хотин ҳаётларининг бошиданоқ болалари келажагини мактаб, лицей, институт, университетларда кўрдилар.

- Тўнгичимиз Ферузбекни ҳали олти ёшига тўлмасдан мактабга бердик. Тийраклиги, эшигани, кўрганини дарров уқиб олишига ишондик-да. Бир кун танаффусда хабар олгани борсам, ўқитувчиси – устоз Кўклам Иззатов ўғлимни елкасига миндириб юрибди. “Домлажон, нимага бундай қиласигиз?” деб хижолат бўлсам:

- Ҳозир уни мен кўтариб юрибман. Ҳали кун келади, мана шу жажжи болакай улгайиб, катта одам бўлади. Фақат укаларинигина эмас, қариндош-уруғи, бутун қишлоқ болаларини кўтаради, деса бўладими... Ҳам яйрадим, ҳам фаришталар “овмин”ига тушсин, деб дуо қилдим, – дейди Матлабхон бугун касб-корли, оиласи бўлиб, туп кўйиб, палак ёзиб кетган фарзанди билан боғлиқ хотираларни эслар экан.

Онанинг дуосига тўsicк йўқ, дейишади. Қолаверса, устозлар ҳам шунчаки башорат қилишмайди. Бугун Ферузбек Курбонов мамлакатимиздаги йирик корхоналардан бири “Ўзбекистон Миллий электр тармоклари” акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари лавозимида фаолият олиб боради. Хонадоннинг тўнгичи бу касбни тасодифан танламаган. Уларнинг боболари, амакилари ҳам энергетик бўлишган. Демак, бу касб Курбоновлар сулоласи учун меросий касбdir. Энергетика, иқтисод,



фармацевтика соҳаларида олий маълумот олиб, бугун ўз мутахассислиги бўйича юртимиздаги нуғузли ташкилот, корхоналарда ишлаётган укаларининг барчаси “Нурчилар” деган атамага чуқур ҳурмат билан қарашади.

Тўғри тарбиянинг мана шундай кувончли самараси ҳақида гапириш осон, лекин бундай натижага ҳеч ким осонликча эришмайди.

– Жамиятдаги ишимиз нечоғлик муҳим бўлмасин, бир кўзимиз ҳамиша болаларимизда бўлган. Уйимизга стадион яқин бўлгани учун бирда-иккida майдонга чиқиб юргани, футбол ўйнаганини ҳисобга олмасак, фарзандларим доим банд бўлишган. Уйда ҳар бирининг қиласиган ўз вазифаси бор эди. Қайси бир ийиштираса, бошқаси ховлидаги экинларга, яна биттаси дараҳтларга қаради. Ҳатто, Фаррухбек ўғлим газ плитада нонуштамиз учун ширин булочкалар ҳам пиширишни уddaлаган. Ҳарчанд назоратда, ҳарчанд ақлли бўлишгани билан бола-бала-да, баъзан чизган чизигимиздан чиқиб кетишарди...

Матлабон ҳикоясининг шу ўрнида Ферузбек билан боғлиқ бир воқеани табассум билан ёдга олди.

– Учинчи синфда ўқирди. Зеҳн солсак, каттакатта романларни кетма-кет ўқияпти. Дадаси билан иккавимиз рўпарамизда олиб ўтириб жиддий сұхбатлашдик.

“Албатта, бадиий асарлар ўқишиларинг керак. Китобхонлик фикр кўзларингни очди. Мулоҳазага, нотиқликка ўргатади. Аммо сен ҳали бундай асарларни китоблар сенинг хаёлларингни бошқа кўчаларга киритиб юбориши мумкин”, тарзида ўзимизча тушунтиришлар қилдик. Ферузбек гапларимизни уқандай бўлди. Орадан анча ўтга қаравотидаги тушаги кўзимга ғалатирок кўринди. Қўтариб қарасам, тагига бизман қилган романлартартиб билан терилган... Демак, ўғлимиз энди биздан бекитиб ўқий бошлабди...

Ҳа, китобхонлик Ферузбек билан йиллардан йилларга ўтди. Бу мақолани ёзишга тайёраргалик жараёнида ундан волидаси, падари бузруквори, умуман, оила муҳити ҳақида сўраганимизда, бир қарашда камгап кўринган йигит “очилди”:

– Иккovi ҳам жуда талабчан бўлишган. Бизга берилган ҳамма нарсанинг меъёри, ўлчови бор эди. Аммо китобга келганда, пул аяшмасди. Қачон, қандай китоб керак бўлса, бемалол ҳарид қилардик.

Умуман, ўқиши масаласига алоҳида эътибор беришган. Биринчи синфнинг аввалида ҳатим унча ўшамаган, шекилли, онам ҳар кеч дарсларимни қилиб бўлганимдан сўнг ҳуснинатим устида ишлардилар. Бир неча варакда қайта-қайта ёзув машқ қилардим. Бу машгулот чиройли ёзадиган бўлгунимча давом этган.

Ҳаммамиз ҳамиша банд бўлганимиз учунми, камсукум бўлиб улғайганимиз. Аммо мен онамнинг

сийрак аёлларга хос қасби – инглиз тили муаллималиги билан фаҳранардим ва буни тенгдошларимга билдиришдан ғурурланардим. Онам ораста, ўзларига яратириб кийинарди. Янги либос олиш ниятида баъзан бозорга борсалар ҳам, айланиб-айланиб бирорта кийим харид қилмай қайтардилар. Йиллар ўтиб англадимки, улар кийимга инжик эмас эканлар, шунчаки ўзлари учун пулни кўзлари кийимас экан. Биз учун эса пулини ҳам, вақтини ҳам аямасдилар. Бир гал менга зарур пойабзal ўзимизда топилмагач қўшни қишлоққа бориб олиб келганимиз.

Мана, биз топармон-тутармон бўлдик! Беш ўғлон бирлашиб таваллуд кунларини байрам қилиб бермоқчи бўлдик. Ҳамма нарса таҳт бўлганда кўнмадилар.

– Болаларингнинг қанча зарурати бор, йигитн маблағларингни шунга ишлатинглар, – деб туриб олдилар. Ноилож қўндик... Ферузбек бу воқеаларни ҳикоя қилар экан унинг овозида: “Менинг онам шундай”, деган фар туғуси намоён эди.

– Ўзига беҳисоб шукур, келин танлашда ҳам адашмадик. Келинларимиз ўғилларимиз билан аҳил яшашади. Ўн беш нафар набирага бобо-бувимиз. Тунгич набираларимиз ҳам камолга етиб қолишиди. Улар мактабданоқ олий таълимга тайёрланиб, отоналарининг юкларини енгиллаштиришяпти. Бизнинг тўрт нафар фарзандимиз контракт тўлов асосида ўқиган. Кредит ҳам олганмиз, кўли узун жигарларимиз ҳомийлик ҳам қилган. Қўй-мол ҳам бокқанмиз. Ҳалол меҳнатнинг барча турларига бош урдик, ўғилларимиз ҳам талаба пайтлариданоқ ишлай бошлашган. Ҳозир эслай бошласам, яшаган ҳар бир кунимизда маъно кўраман. Чиройли яшабмиз, дейман...

Ҳа, онақўнглитетубайтаётганҳаёт, чинданҳам, чиройли таърифга арзиди. Матлабон турмуш ўртоги билан ҳар йил куз қуёши илик нурларини йиға бошлашиданоқ чорбоғдаги ишларини саранжом қилиб, Бухорои шарифдан пойтахта – ўғил-қизлари, набиралари бағрига йўл олишар экан.

– Набираларимиз тарбиясида келинларимиз ёнидамиз. Ахир, уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, масъулиятли вазифаларда ишлашади. Айни пайтда барчаси бизнинг бобо-бувилк ҳурматимизни ҳам жойига қўйишади. Отаси билан бирга Үмра зиёратига бориб келдик. Туркия, Чехия каби давлатларнинг ҳу什ҳаво масканларида дам олдик. Дўкон, бозорайланмаймиз, таъбимиз кўтартгани, кўнглимиз тусаганини дилбандларимиз муҳайё қилади...

Сұхбатдошимиз:

– Шу-да энди, бори... – деб ҳикоясини якунлар экан, қани эди бизга замондош бўлган ҳар аёл, ҳар она билан оиласи, ўғил-қизлари ҳақидаги сўзлашувлар шундай ниҳояланса экан, деб орзу қуламиз. Баъзи мулокотлардаги каби дил тирналмаса, қалбга афсуслар чўкмаса... Келин, ниятилизни яхшиликка боғлайверайлик-чи, ахир, орзуга айб йўқ...

Кутлибека РАҲИМБОЕВА



КИМГА ИБРАТ, КИМГА САБОК...

Ҳолида Қобулова саратон касаллигини бир неча бор мардонавор енгигиб ўтган жасоратли аёл. Үндаги иродада, ҳаётта муҳаббат кўплар учун енгилмас хисобланган хасталик енгизига сабаб бўляяпти.

Ўзбекистон Ногиронлар Ассоциацияси тасарруфидаги “Имконият” ижтимоий-сиёсий, ҳукукий газетада журналист сифатида хизмат қилиб келаётган бу аёлнинг ҳаёт йўллари ҳамманига ўхшамайди.

1969 йилнинг февралида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган Ҳолида Қобулова оиласада ўн бир нафар фарзанднинг орасида саккизинчиси эди. Журналист бўлишни болалигидан орзу қилгани учун илк фаолиятини ақа-опаларидан келажак орзулари ҳақида интервьюлар олишдан бошлаган. Ҳовлидаги катта тут дараҳти соясида яхнларига, кўшини болаларга турли хил кўрсатувлардан парчалар ижро этиб олқишилар оларди. Баъзан шеърларни яхнларига, кўшини болаларга турли хил кўрсатувлардан ёд ўқиб қарсакларга кўмилса, баъзан монологлар айтиб ўйга толдиради. У ростдан ҳам тўғма журналист эди. Бўй етиб совчилар эшик коқа бошлагач турмушга чиқди.

Оиласининг эрка қизи бирдан рўзгорнинг горига тушиб колди. Ҳаёт шеър айтиб, микрофон тутиб юришдан иборат эмаслигини, бегона юрт, бегона одамлар орасида ўзини, ўзлигини йўқотмаслиги, баҳти бўлиш қоронуда игна қидиришдек гап эканлигини англатди. Иродаси метин бўлган Ҳолида қадриятлардан узоклашмади.

Орадан йиллар ўтиб, турли газеталарда гоҳ мухаррир, тоҳририят ва уйи ўртасида юриб юриб автобусдаги тирбандликлардан бағрида химоялаб кучоқлаб, газета тахламлари ёнида овутиб қизларини катта қилди.

Ўқитди, турмушга узатди, фарзандли қилди. Шу уч жумлаға жойланган сўз ортидаги кокилишлар, оғриқлар, кўз ёшларини юраги тубига яширди. Фарзандларни орасидан “Кизим, сизга тарбия берган онангизга раҳмат”, деган олқишилар олгандан розиман, деб кўнглига сунъиб шукрлар қилди. Афсус, кувончнинг кайгуси ҳам бўларкан, иродасини тоблаган ҳаёт унга йиллар ўтиб, сўзимиз аввалида

айтганимиз, оғир хасталикни рўбарў қилди.

Ҳолида опа илк бор ушбу касалликка чалинганида яшашдан умидини узди, ўзини коронулиқда ҳис қилди ва таҳлиқага тушиб қолди. Қачонки, бир тасодиф уни уйғотмагунча шундай бўлди. У бир куни туш кўрди, тушида опок либосдаги нуроний бир отахон йўлидан чиқиб: “Кизим, дард борки, давоси бор, Яраттана шак келтирма, кучли бўл, сен енгасан”, деди. Унинг бу пайтдаги ҳолатини тасаввур қилинг-а... У бу ёруғ тушга ишонди ва ўша кундан ўзини, энг аввало, ич-ичидан тиклади. Юрагига умид ниҳолини қадади, мен яшашим керак, яқинларим, дўстларим, фарзандларим, севимли касбим учун яшашим керак. Мен сенга қарши курашаман, хасталик, деб ўзига керак. Ҳамма нарса таҳт бўлганда кўнмадилар.

Ишига қайди, жамоаси уни очиқ юз, самимий меҳр билан қаршилади. Қаҳрамонлар излаб вилоятларга хизмат сафарларига кетди. Устозлари Тўраҳужа Эрхўжаев, Рашид Рауповлардан чексиз миннатдор бўлди, улар сабаб доим ёзишга, ёзғанларини муҳлисларига етказиша интилди. Танлаган касбига, касби орқали топган ҳурмату эъзоларига шуқроналар айтди. Турли хил тақдирларни кўрганда ўзининг ҳаётидаги муаммолари ўткинчи тушдек эканлигини хис қилди.

– Дард берувчи ҳам, сабримизни синовчи ҳам ёлғиз билан ҳаршилади. Ҳаётларни ташқарида бир гўзал ҳаёт бор, нега бу ҳақида ўйламаяпсан, дердим. Лангариз кема бўлмагани каби максадсиз инсон ҳам бўлмайди, дейишганидай, мени дарднинг ўзи тарбиялади. Бу эса тушкун ва стрессли ҳолатдан тезда чиқиб кетишимиға ёрдам берди, – дейди Ҳолида сұхбатлашганимизда.

Ҳа, у касалликка бўйсунмади, аксинча, дардни таслим қилди. Унга атрофидағи инсонлар, гўзал давралар руҳан ва жисмонан кўмак беришиди. Севган асарлари мутолаасига қайта киришиди, китобларни дугонасига айлантириди. Қизлари, кўёвлари билан узок-узок бўладиган сұхбатлардан кувват олди, набиралари олишдан бошлаган. Ҳовлидаги катта тут дараҳти соясида яхнларига, кўшини болаларга турли хил кўрсатувлардан билан “мехмон-мехмон” ўйнашлари дилига завқ берди. Рухий ором оладиган масканни театр томошаларига бориб, кечинмаларини янгилади. У шу тарзда касалликни батамом енгандай эди.

Орадан маълум вакт ўтиб хасталик уни яна йўқлади. Тахлил натижалари саратонни аниқ кўрсатди. Очиги, бу сафар тушкунликка тушмади, кўркув, ҳаяжон босмади. Шифокорлар Вилоятхон Сайдиҳамедова, Одилжон Аҳмедов, тиббиёт фанлари доктори, профессор Наргиза Захироваларнинг маслаҳати ва кўрсатмаларириояқилди. Натижалар ижобий бўлиб уни ўлмасой деб атай бошлашиди.

Кураш ва енгис билан ўтган йилларда у кўплаб беморлар, шифохоналар, шифокорлару ҳамширлар ҳатто фаррошлар ҳудаҳам гўзламалар, хикоялар ва очерклар ёзди. Улар “Имконият” газетаси сахифаларини безади, ҳимларгагидир ибрат бўлса, ҳимларгагидир деймиз ва бўлли. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам тақдирдан, деймиз ва кўпинча тақдирга тан берамиз. Аммо ҳаётда инсоннинг сабр-бардоши, ҳаракатлари ҳам баъзан тақдирини ўзgartиради. Биз ҳикоя қилаётган Ҳолида Қобулова ҳаётни ўхикаратни исботлаб турибди.

Робия ЛАТИФ
САОДАТ 2025/6 21

Лайлак уяси

Муяссар Тиловова

Хикоя

Чанг унникуб қолган узун-узун киприкларини пирпиратиб симёоч устидаги лайлак уяга термилаётган болакай бир маромда куртиллатиб ўтлаётган эшаги устига чалканча ётиб олган, дунё билан иши йўқ. Ҳатто киприк қоқмайди, яқинда тухумдан чиқкан лайлак болалари чуғур-чуғурига кулок тутади. Туроб қоровул дунё бехабар болага қитмирилик қилгиси келди.

Кутимаганды бикининг қаттиқ ботган халачўпнинг оғриғидан чўчиб кеттан боланинг йиқилиб тушишига бир баҳя қолди.

— Ха, боласи тушмагур, пайкалга кирганинг қачониди? Буердания қилиб ўтирибсан? Поччанг сени кутавериб хуноби ошаётгандир.

Шоша-пиша эшагига ўнғай ўтириб олган бола босиб босиб хивич урди. Яғрини оғриған жонивор йўртиб кетди.

— Тез қайт, шу ерда кутиб тураман сени.

— Хў-ўп...

Азамат олислаб кетгунича ортидан тикилиб турган чол бошини кўтариб бетон симёоч тепасидаги лайлак уясига қаради. Симларини ким, қачон узиб кетганини бирор билмайдиган симёоч бийдай яйдок чўл ўртасидаги кўз илғайдиган ягона белги. У худди карвонидан ажралган түядек сўлпайиб қолган. Чол белбоини тақир ерга тушаб ўтириди ва Азаматнинг қайтишини кута бошлади.

Лайлаклар хар йили симёоч устига ин куриб, бола очишади. Полапонларини учирма қилгач қишига яқин бутун оила қаёққадир учуб кетади. Уларнинг қаергакетиши мумкинлигига Азаматнинг ҳеч ақли етмайди. Туроб қоровулнинг айтишича, иссик ўлкаларга учуб кетармиш-да, қиши ўтгандан сўнг яна уяларига қайтармиш. “Нима, қиши ҳамма жойга бирдай келмайдими?” —

деб ўйлаб қолади баъзида у. Йўқ, эси кирди-чиқди бўлиб қолган бобо адашаётган бўлса керак. Холаси шундай деганди: “Туроб чўпон билан кўпам ош-қатик бўлаверма. У кариб, мияси суйилиб қолган. Бўлмаса ёз-ку ёз, изиллаган қаҳратондаям далада изғирмиди? Унга дала боласиданам азиз”. Аммо нима бўлгандаям боланинг кушларга ҳаваси келади. Чунки ста-оналари полапонларини ташлаб кетишмайди. Эрта баҳордан то совук тушгунича боқиб катта қилишади. Холасининг



айтишича, шу зигирдай ақли йўқ кушлар ҳам Азаматнинг ота-онасидан яхшироқ эмиш. Иссиқ ўлкаларга учуб кетишидан аввал болаларини улгайтириб, сўнгра ўзлари билан олиб кетармиш. Азамат холасидан нимага бундай деётганини ҳеч сўрамайди. Сабаби ҳар икки галининг бирида укаси ва келини шаҳарга кетаётib, опасини йўқлаб ўтмоқчи бўлганини ва гўл хотинни алдаб чақалогига бирпастга қараб туришларини сўраб шу бўйи қорасини кўрсатмаганларини эслатиб туради.

— Бирров қараб туринг деса, гўдакни бағримга босаётганимдан севиниб кетибман, нимага бундай дейишаётганини сўрамабман ҳам. Аёл бўлиб яралиб, фарзанд тугиб тарбияламаганингдан, она бўлиб бешик тебратиб алла айтмаганингдан кейин гўр бўлармиди? Ҷақалокқасуқланибоналиқ меҳрингжўшибкетаверадида. Ҳатто, ўшанда кўкракларимга сут келгандай бўлувди. Шундан бери сен шумқадамга она бўлиб келяпман. Жондай укамнинг боласисан, жигаримсан. Сенга ҳар қараганимда раҳматли отам келади кўз ўнгимга. Отамнинг кўзларини, бурунларини кўраман сенда. Майли дедим, чидадим. Худо инсоф берганида олиб кетишар. — Холасининг хокисор қиёфаси ҳам, сўз оҳангига ҳам ўзгарди. — Хо, олиб кетишармиш. Нимага олиб кетишаркан? Зигирдайлигидан боқиб катта қилиб, қўлидан иш келадиган бўлганида улар эга чиқишадими? Хеч-да. Сени улардан тортиб олибманми? Агар олдимга бола деб келишсин, оёғини уриб синдираман. Укам деб, келиним деб аяб ўтирумайман. Бола керак бўлса, бошқа тугиб ол, дейман. Оналик қилиш учун фақат тувиш керакми?

Хам бермайди. Оловдай ловиллаб, кейин босилишини негадир “хола” дейишига ўрганиб қолган. Холаси доим Қарғаб эсга оладиган ота-онасини асло эслолмайди. Эсини таниганидан бери холаси ва поччаси билан Азаматга ҳеч эътибор бермаган. “Аскад алкаш фақат ароқ тўла шиша билан дўст. Эрталабдан кечгача ўшанисини қучоқлаб ётади. Болаям, хотинам шиша үнга. Бир куни думалаб ўлиб қолганидаям шу шишиси кўмсин”, — деб холаси доим жаврагани-жавраган.

Азамат поччасига овқат олиб бориш учун қанча эрта йўлга чиққани билан барибир кечикиб боради. Сабаби симёоч олдида тўхтаб соатлаб лайлакларга эшаги устида ёнбошлаб. Қайси томондан қарамасин, ҳар гал бу кушлар худди бир мўъжизадай шуурини тўлқинлантираверади. Ҳайрати ошади. Холаси, поччаси, бир муддат унугади.

Қамиш чайла ёнига етгач эшакни нарироқда ичкарига кирди. Санам опа шу тугунни бергунча ҳам роса хархаша қилганди. Олдинига ароқхўр эридан нолиб унинг бари қариндош-уругини гўрдан олиб, гўрга солди. Бундай эрнинг боридан йўғи яхши, деб бошқа

овқат жўнатмасликка қарор қилди. Чайласида ароғи билан сасиб ётаверсин, деди. Азаматни ёнига чақириб наридан-бери дастурхон тузаган бўлди-да, бироқ овқатнинг бир лўқмаси ҳам томоғидан ўтмай йиглаб юборди. “Минг ёмон бўлсаям эрим, кўз очиб кўрганим. Бийдай даштда бир ўзини қандай оч-нахор қўяман? Уям нима килсин, эплаб битта бола туғиб беролмаганимдан кейин ичади-да. Дардини кимга айтсин, аламини ароқдан олади. Менга ёрилай деса, ўзим тўкилиб ётибман”, дейди хўрсиниб. Сўнгра қайтса, бирга овқатланишларини айтib, болакайнин далага жўнашга ундаиди. Овқатни тезроқ элтишини тайинлади.

Азамат чайлага бош суқиши билан бўсағада юмалаб ётган шишаларнинг бирига тўқишиб кетди. Поччаси қамиш чайланинг ола-чалпак соясида ёнбошлаб ўтирган экан. Боланинг димогига гуп этиб ароқ хиди урилди. Поччасининг соchlари ювиб таралмаган, кўйлагининг бирорта тугмаси йўқ...
— Бунча қопкетдинг... — деди у болани кўриши билан.

Азамат индамай, шишаларни тутқазди.

— Мейли раис айтди, бу уч кунлик ҳақингиз экан. Бирдан ичиб кўймай, кейин бергунича етказаркансиз. Бола худди олиб кетиб қоладигандай Аскад алкаш шишаларни юлқиб олди.

— Менга нима қилишни ўргатма, тирранча. Ўзим биламан. Раис бошқа ҳеч нарса бермадими?

— Манавини айтяпсизми? У чўнтағидан кутиси фижимланган сигарет чиқарди.

— Шуну айтяпман, шуни. Холанг кўрмадими?

— Йўқ, раис уйдан чиққанимдан кейин берди.
— Бўлти, овқатингни анави ерга кўй-да, ўзинг кетавер, — деди поччаси ароқни гўё сув ичгандай симира бошларкан.

У доим шундай қиласи. Жияни опкелган овқатга қайрилиб қарамайди. Овқат ўрнига ҳам ароқни кўтаради. Азамат кўпинча бир-икки марта кўл урилиб, айниган овқат қолдикларини тозалаб идишларини олиб қайтади. Поччасининг тезда жавоб бергани яхши бўлди. У энди бемалол оқбош фарами соясида ёнбошлаб, лайлак уясини томоша қилиши мумкин. Холаси нега кеичканини сўраса, поччаси билан бирга овқатланганини баҳона қиласи. Шунда индамайди. Туроб қоровул ҳалиям кутиб турганини симёочга яқинлашиб қолганида кўрди. Шу эзма чолнинг эски гапларини яна эшитишни ўйлаб, сепкилбосган бурнини жийирди, аммо лайлаклардан кўнгил узид кетолмади.

— Ха, келдингми, поччангни кўрдингми?
— Кўрдим.
— Яна мастмикан?

Ёнида бирор биланса ҳам ўз-ўзига гапираверадиган чол гапида давом этди:

— Маст бўлмай нимаям қиласи, жувонмарг. Агар билсанг, ерларимиз шўрлаб кетишига мана шулар сабабчи. Уларнинг касри урятти. Нас босган жойда худо ризқ ундиарканми? Эҳ-хе энди кўчиб келган пайтларимизда эгам назар соглан ерлар эди. Ўзлаштиргумизча энамизни кўрганмиз. Ёшлигимиз,

билақдаги күчимиз мана шу тупроқ учун соп бўлди. Лекин шундайм нолиганимиз йўқ. Тоғ-тоғ буғдои хирмонини, оппоқ пахталарни кўрганимда ҳамма чарчоқларимиз чиқиб кетарди.

Бобо яна жим бўлди. Симёғочга қаради. Бу пайтда она лайлак болаларини овқатлантириш учун уяга қайтганди. Чол унинг ҳаракатини кузатиб тураркан, азбаройи ҳавас қилганидан соқолини тутамлаб силаб кўйди.

- Нимага шудар, сони, ёй, ёй

- Нимага шулар одам бўлиб яралмаган экан-а,
Азаматжон? — деди тўсатдан.

Бола бўлса худди жавоб бериши шартдай қошларини чимириб ўйга чўмди.

Ундан бирор тайинли гап чиқмаслигини билған чол эса яна үзича жавради.

– Ватан қаерда эканини, құшмиялари билан ҳатто шулар ҳам англашады. Бизнинг болалар-чи? Э-е-е... – Чол ҳафсаласиз күл силкиди.

Орага сукунат чўқди. Азамат сездирмайгина қоровул томонга қараб, унинг мудрай бошлаганини кўрди.
- Бобо, - деди сўнгра, ислами й

Симёоҷадаги уягдоим шу лайлакларнинг ўзи қайтадими? – А, нима?

- Ҳар доим шу лайлакларнинг ўзи қайтадими, деяпман?

Коровулнинг сухбатига қизиқа бошлаган барнига яки нарс суннати - таърихи маддасидан.

— Азamatжон, — деди чол оғир хүрсина. — Мен лганимда сен катта йигит бўлсан.

— Мен алларимни ҳозир тушунмасанг ҳам, вакти келганида ғлайсан. Агар ўлсам, мени қишлоғимиздаги абристонга эмас, мана шу даштта қўйишса дейман. Ўзим уллатиб-яшнатиб, қандай ҳароб бўлаётганиниям юрагим зилиб кузатәётган далаларимга кўзқулоқ бўлиб ётсан, дейман. Еримизнинг бағри кенг. У одамзод каби кек ақламайди. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам паноҳ бўлаверади. Чондир поччантга ўхшаганлар билан бир тупроқда тишини ўйласам... Худо кўрсатмасин! Ишқилиб, охират имиз бир жойда бўлмасин-да.

Чолнинг эзма гапларидан зериккан болакай
алканча ётиб олган, кунга кўзини қисиб қарайверганидан
ку элита бошлаганди. Чол ўзича жилмайиб кий-
орданинг ёнига чўсиди. Г

Аланинг енига чузилди. Бирпасда хуррак ота бошлади. Аммо қашуай қусида ҳам тушкүрди. Ям-яшилдала, ўсиқ бўлиқ галла бошоклари бир зайлар чайқалиб турибди. Трофда сурув-сурув кўй-кўзилар ўтлаб юрганмиш. Троб қоровул жаннатмисол даласига энтикиб, мамнун қади. Чол худди бари ўнгида бўлаётгандай тамшаниб илмайди. У ҳозир шу жаннатда бир умр қолишга, қайтиб ғонмасликка рози эди. Бироқ нақ кулокларининг тида бутун ерни ларзага келтириб кимдир чинкирди. Троб кетган қоровул кўзларини илкис очгач тепасида планаётган қоп-қора тутунни кўрди. У буралиб-буралиб монга ўрларди. Ҳеч нарсага тушуммай довдираб қолган бо ён-верига аланглади. Не кўз билан кўрсинки, оламга

Ўт кетибди. Вахимали бақирған овоз Азаматники экан. У күркіб кетганидан чолнинг пинжига маҳкам ёпишиб олган, дағ-дағ титрарди. Бу воқеаларнинг ҳаммаси шунчалик тез содир бўлаётганидан иккиси ҳам нима қилишни билмасли.

Кун тобида қуруқшаб, биттагина учкуннинг сачрашини кутиб ётгандай фалла ҳам, оқбош гарами ҳам худди жўрттага қилгандай гуриллаб ёнади. Дунёда хашашакдай тез ёнадиган нарса бўлмас экан. Атрофдаги кенг майдон қорайиб, тутаб кетган. Яхшиямки, чол билан бола нам ажриқ устига чўзилишган экан.

– Тур, болам, – деди чол вазиятни идрок қилғаç ўзига келиб, – ўтдан ҳолироқ жойга ўтишимиз керак. У Азаматнинг кўлларини маҳкам ушлаб торта бошлади. Аччиқ тутундан кўзлари ёшланиб, йўл топишга кийналарди. Лекин тирик қолиш учун курашиш керак. Чолга жимгина итоат қилиб келаётган болакай бир пайт оришдан тўхтади. Қандайдир куч уни ортга қайтиша мажбурлаб кўлларини чолнинг кафтлари орасидан тортиб олишга уринди.

- Нима бўлди? – дея чол бўғриқиб бақирди.
- Лайлаклар, уларнинг уяси ённати.
- Кўй ударни йоғоноти.

— Қуи уларни, ўз жонингни йиласанг-чи!
Бола орқага тисланаверди, чол эса олдинга
ортаверди. Бу курашда барибир қоровулнинг кўли
баланд келди. Улар шу югуришда тақир ерга етгандагина
ўхташди. Иккиси ҳам ҳансираф қолди. Иккиси ҳам
иінгларди: бири оқбош ғарамига кўшилиб ёниб кетган
пайлак уяси ва полапонларга ачиниб, бошқаси эса юрак
хўрини берib қилган меҳнати бир лаҳзада кунпаякун
ўйланидан куйиниб.

Орадан кўп ўтмай қишлоқдагилар етиб келишди. Шундагина Асқад алкашнинг қамиш чайласи ҳам ёниб кетганини билишди. Ўтнинг қандай ва қаердан никканини бола энди тушунди, бироқ ҳеч кимга ҳеч нарса деёлмади.

Эртаси куни поччасини шу жойнинг ўзида дафн
тишди. Холаси дунёни бошига кўтариб, ёқа йиртиб
иғлади. Маъракада бир томчи ҳам ёш тўкмасдан мик
тмай турган қоровул ҳамма тарқалгац ерга тиззалаб
тирганча хўнграб юборди. Куйиб кўмирга айланаётган
упроқни кафтларида маҳкам чанглаб иғлади.

- Эй пешона терим томган дала, — деди оппок
околига томган ёшларини сидириб, — мен қолиб
афрингга кимларнинг хокини олдинг? Ахир мен
енга бир умр содик яшагандим-ку. Ўтган-қайтгандар
жабланиб қарашди, аммо ҳеч ким уни юпатишга
принмади.

Орадан қанча сувлар оқиб кетди. Холаси
Поччангнинг руҳи шод бўлади, бир бориб кел”,
еб қистайвергац ноилож ўтган йили кўкламда
замат эски қишлоғига бориб келганди. Хозир
ерларда ҳеч ким қолмаган, ҳатто қачонлардир
ириов яшаганига ҳам ишонмайсан киши. Азамат
оришга борди-ю, лекин инсон эканидан, кўксисда
оррак уриб турганидан уялиб, мулзам бўлиб қайтди.
унки бийдай даштлиқда, ҳамон ўша симёғоч
аққайиб тураг, унинг тепасидаги лайлак уяда эса
олапонлар чуғурларди.



Хориждан мактуб

"ЎЗБЕКИСТОННИ созиниб яшайман..."


“Ассалому алайкум, қадрдонларим! Эгизак опам билан иккинчи уйимизга айланган жонажон Ўзбекистонимизни тарк эттага орадан шунча йил ўттан бўлса-да, худди эртақдагидек гўзал ва бетакрор бу ўлкани ҳар куни кўмсаб, интиқ яшайман. Ҳар куни тонгда янги кунни қарши оларканман, барчага соғлик, тинчлик тилаб, дуо қиласман. Ҳамиша овқатлангандан сўнг юзимга фотиҳа тортаман. Бойиси Сирдарёда яшаган пайтларимда кексаларнинг дуоларини кўп олганман. Ўзбеклар: “Нимани ният қилсанг, шунга эришасан”. деб бежиз айтишмас экан. Бу ҳалқнинг анъана ва урф-одатларини оиласманда ҳам кўллайман. Сўридаги хонтахта атрофига ўзбекча кўрпача ёйиб (Ўзбекистондан жўнаш олдидан қадрдоним Мухаббат Алижонова қавиб берган), дастурхон безаймиз. Оила даврасида, турли тадбирларда миллатдошларимга бу кўёшли юрт, меҳридәр ўзбек ҳалқи ҳақида сўзлаб бераман. Уйимдаги идиш-тобоклар-нинг ярми Ўзбекистондан олиб келинган, паҳта гулли чойнак-пилалар, катта-кичик лаганлар, миллий дастурхон ва бошқалар. Мен уйимда палов, уйғур лағмони, манти, димлама, мастава каби таомларни тайёрлайман, ўзбекча нон ёпаман. Фарзандларим бу шарқона таомларга ўрганиб қолишган, жудаям ёқтиришади. Кийим жавонимдаги либосларга келсанам, хонатлас, адреса кўйлаклар ва камзуулларим кўп. Барчасини Ўзбекистондан олиб келганман. Менинг коллекциямда европача услубдаги кийимлар кам. Кўп йиллардан бери ўзбекча либосда ишга бориб келаман. Кўпчилик ҳамкасларим: “Нега европача ёки ўзингизнинг миллий кийимларинизни киймайсиз?” деб сўрашади. Мен уларга: “Бу – менинг ёшлигим, Ўзбекистонда ўттан умрим мазмуни ва меҳмондуст ўзбек ҳалқига бўлган муҳаббатим, хурматим белгиси”, дейман. Девяри, ҳар икки йилда серқўёш ўлкага бораман ва бағрикенг, меҳрибон ҳалқнинг меҳмондустлигидан баҳраманд бўламан. Ўтган йили борганимда олган таассурларимни видеолавҳалар ва фотосуратларда акс эттириб, уларни Ёкутистон ахолисига ҳавола эттаман. Юртдошларим ушбу видеотасвиirlар орқали Зоминнинг бетакрор тоза ҳавоси, Бахмал олмалари, Зарбдор туманидаги галазорлар, ўзбек хонадони, тандирлари, миллий қадриятларидан тушишганди.

Энди оилас ҳақида. Беш фарзанда мотта эга бўлишди. Катта қизим Нюрбин тарих фанни ўзбек-Зулфия Модельер ва технолог бўлиб ишлайди. Бу қизимга ўзбекистон ҳалқ шоираси Зулфияхонимнинг исмими кўйганимдан фахрланаман. Иванна меъмор, ўғилларим Алгис ва Айхал ҳали талаба. Ҳозир 7 ёшли набирам Бобоҷонга (ўзбекларда кексаларни жуда-ям қадрлашади, шу сабаб унга шу исмни берганман) ўзбек тилини ўргатяпман. Дам олиш кунлари бизниги келганида: “Бувижон, баъзи сўзларни унугиб қўйишинга оз қолди, яна кўпроқ ўргатинг, мени хам ўзбекистонга олиб боринг”, - дейди.

Хаммангизни яхши курага
демайман, ҳамиша, "Кейинги сафар куриш унда",
Юртимизда бир муддат яшаган бўлса-да, унунтилмас таасур
ротлар, ҳалқимизга бўлган меҳр-муҳаббат билан яшаёттан ижодкор
дўстимизнинг юрак тубидан чиқаётган битикларни ҳаяжон билан
ўқиймиз. Ҳалқимиз бежиз, бир кун туз ичган жойга кирк кун салом
бер, демайди. Биз хам ёкутистоёнлик дўстимизни соғиниб, кутиб
коламиз.

Холида ПАРДАБОЕВА,
ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Дадзай Осаму
(1909-1948)



ХХ аср бошидаги машхур япон ёзувчиларидан бири Дадзай Осаму (асл исми Сюдзи Сусима) Япониянинг Аомори префектурасида туғилган. Унинг “Хотиралар”, “Масхарабозлар гуллари”, “Ўқувчи қиз”, “Аёллар дуэли”, “Виённинг хотини” каби қандай асарлари чоп этилган.

Олча Барги ва най

Ҳикоя

— Ҳар йили эрта баҳорда, олчалар гулини тўкиб, барг ёзаётган пайтда шу воқеа ёдимга тушади... — деб гап бошларди кампир: — Бунга ўттиз беш йил бўлди. Унда отам ҳали тирик эди. Биз уч киши — отам, мен ва синглим бирга яшардик. Онам эса бундан етти йил аввал оламдан ўтган, мен ўшанда эндиғина ўн уч ёшга тўлган эдим. Мен ўн саккиззининг соҳилида жойлашган Сиросята шахридаги ўрта мактаблардан бирига директор қилиб тайинланди, биз ўша ёққа кўчиб кетдик. Биз у ерда отамни Мацуэга ишга ўтказгунларига қадар олти йил яшадик. Ўша йили кузда, йигирма тўрт ёшга тўлганимда Мацуэда турмушга чиқдим. У пайтларда бу кеч турмушга чиқиш саналарди. Мен онамдан ўтишади ётгани сабабли оила ташвишлари билан унча иши йўқ эди. Менсиз рўзгоримиз пароканда бўлиб кетиши турган гап эди. Шу важдан ҳам мен улар-келган совчиларга рад жавобини беришга мажбур эдим. Лоақал синглимнинг соғлиғи яхши бўлганида ҳам майли эди. Афсуски, синглим тамомила менинг аксим эди: у жуда чиройли, соchlари узун бўлса ҳам саломатлигининг мазаси йўқ эди. Биз Сиросятага кўчиб келганимиздан сўнг орадан бир йил ўтгач, синглим дунёдан кўз юмди. Мен ўшанда йигирма ўшда, у эса ўн саккизда эди. Мен сизга худди ўша пайтлар ҳақида сўйлаб бермоқчиман.

Синглим кўпдан бери касал эди. У буйрак сили билан оғриган экан, касалини аниқлашганда, вақт ўтган эди, иккала буйрак ҳам тамоман зарарланиб, ишдан чиқибди. Врач отамга синглимнинг касали оғирлигини, юз кун ҳам умр кўрмаслигини айтиб-

ди. Орадан бир ой ўтди, икки ой ўтди, белгиланган вақт ҳам яқинлаша бошлади, бизнинг эса жимгина кутишдан бошқа иложимиз йўқ эди. Синглим бу дарддан тамомила бехабар, ўзида йўқ хурсанд, ҳатто охирги пайтларда тўшакдан турмаган бўлса ҳам, қандайдир кўшиқларни хиргойи қилас, ҳазиллашар ва менга эркаланаарди. Лекин менинг эс-хушим фақат бир нарсада: қирқ кунлардан сўнг буларнинг ҳаммаси барбод бўлади... Ана шуни эслаганимда, томоғимга бир нарса тиқилиб, этим жунжикиб кетарди. Назаримда, бундай оғир мусибатга чидомай жинни бўлиб қоладигандек эдим. Март кетидан апрель ва ниҳоят, май ҳам етиб келди, аммо ҳаммаси аввалгидек давом этарди. Аммо ўша кунни — майнинг ўрталаридаги қайсирид бир кун эди — асло эсимдан чиқармайман.

Далаю тоғлар яшил майсаларга бурканди, кунлар исиб, одамлар енгил кийимларга ўта бошлади. Кўм-кўк майсалар киши баҳридилини очарди, қаёққа қарама, табиат уйғониб, ўз сепини ёйишга тараддуд кўрмоқда. Қўлимни орқамга қилиб, хиёл эгилганча, бошимда турли ўй-ҳаёллар билан далаарни кезиб юрардим... Шу пайт кўлчиган тупрок қаъридан, қаёқдандир, бамисоли дўзахнинг ичидан гум-гум деган суронли садо эшитилди, гүё чохи жаҳаннамда баҳайбат ногора чалинмоқдаю бу садо ўша ёқдан келаётгандай эди. Мени қаттиқ кўркитган бу фалати товушнинг нималигини кейин билдим: у япон флотига қарашли ҳарбий кемалардан отилган снарядларнинг овози экан.

Эс-хушим синглимда бўлгани учун нима бўлаётганига тушуниб етолмасдим, тамомила гангиб қолган эдим. Назаримда, бу ўқ овозлари ва портлашлар қандайдир баҳтсизликнинг даракчисидай

эди. Кун ботгандан кейин ўрнимдан турдим-да, беҳол бутхонага кетдим...

— Опажон! — деб чақириб қолди синглим. У жуда озиб, қувватсизланиб қолган, афтидан, куни битиб бораётганини ўзи ҳам сезар эди.

— Бу хат қачон келди? Кўксимга бир нарса урилгандек бўлиб, рангим докадек оқариб кетганини сездим.

— Қачон келди? — деб қайта сўради у, чамаси, менинг бирданига оқариб кетганимга эътибор бермагандек.

Бир амаллаб ўзимни ўнгладим-да:

— Яқинда, сен ухлаб ётганингда. Сен тушингда кулаётган эдинг, мен хатни аста ёстиғинг ёнига қўйдим. Наҳотки сен ҳеч нарсани сезмаган бўлсанг? — дедим.

— Йўқ! — деб синглим кулиб юборди, кулгидан унинг дурдек оппоқ тишлари ярақлаб, оқшом фира-шираси туша бошлаган хонани ёритиб юргандек бўлди.

— Мен буни ўқиб чиқдим. Қизик! Тамомила менга нотаниш бир киши ёзиби.

Бу хат эгасини мен жуда яхши танирдим. Унинг исми М. Т. Я. эди. Йўқ, мен уни ҳеч қачон кўрган эмасман. Воқеа бундай бўлган эди: бундан бир неча кун аввал синглимнинг жавонини очиб, пастки тортмасидан яшил лента билан маҳкам боғланган бир даста хат топиб олдим. Бирорвларнинг хатини ўқиши одобдан эмас, албатта, лекин мен ўзимни тўхтатиб туролмадим, лентани очиб, хатларни ўқишига хилда М. Т. Я. деб имзо чекилган эди. Жўнатувчининг исми кўрсатиладиган ерга эса кизларнинг энг яқин дугоналари бўлиб, шунинг учун биз — на отам, на мен шу вақтгача синглимнинг йигит киши билан хат ёзишиб юрганини сезмаган эдик.


М. Т. жуда тадбирли ва эҳтиёткор экан. У синглимнинг барча дугоналари исм-фамилиясини яхши билар, ҳар хатида навбат билан уларнинг исми-журъати ва ботирлиги мени хайратга соларди: агар қаттиқкўл отам сезиб қолса нима бўлади? Миямга келган бу фикрдан кўрқиб кетдим. Сўнgra хатларни яхшилаб тахладим-да, бир бошдан ўқий бошладим. Қандайдир ширин, орзиқтирувчи бир туйғу вужудимни камраб олди.

Ҳа, менинг ўша пайтда эндиғина йигирма ўшга барча қизларда бўладигандек, ўзимга яраша ҳеч кимга ишончмайдиган юрак сирларим бор эди. Мен бир хатнинг кетидан иккинчисини ўқишида давом этдим, улар назаримда гүё беғубор, тиник, тезоқар сувга ўшарди. Мана, ниҳоят, охирги хатни кўлимга олдим, мактуб бултур кеч кузда ёзилган эди. Бир оёқларим бўшашиб кетди, шу даражада ҳаяжонда эдим. Буни қаранг, икки ёшнинг севгиси мен ўйла-

— Ўқиб беринг-чи ҳеч нарсага тушунмаяпман. Нима гап ўзи?

Ҳамма нарсани билиб туриб билмаганга олишмдан нокулай аҳволга тушиб қолдим.

САОДАТ 2025/6 27



Маҳкам Абдуллаев чизган сурат

— Ўқиб берайми? — дедим секингина хатни олатуриб.

Бармокларимнинг титраши мени янада хижолатга соларди. Ахир хат мазмунини ўқимай туриб ҳам жуда яхши билардим, лекин начора, эндигина кўриб тургандек ўқиб беришдан бошқа иложим йўқ эди.

Овозимни чиқариб ўқий бошладим:

“Мен сендан кечирим сўрашим керак. Шу кунгача зинҳор ёзмайман, деб келдим, чунки ўз-ўзимга ишонмас эдим. Мен бир бечора камбағалман, буни ўзинг ҳам яхши биласан, бунинг устига, фавқулодда бир салоҳиятга ҳам эга эмасман. Шунинг учун ўз тақдиримни сенинг тақдириң билан боғлай олмайман. Ожиз ва бечоралигим ўзимнинг ҳам жонимга тегди, ахир, муҳаббатим йўлида куруқ сўздан бошқа нима ҳам қила олардим? Шу ўтган кунлар, ҳатто кечалари ҳам тушимда, доимо ҳаёлимда сен бўлдинг. Бироқ мен ўз ҳаётимни сенинг ҳаётинг билан боғлашим керакмас. Айни мана шу чидаб бўлмайдиган ўй ажралишимизга мажбур қилди. Сен қанчалар баҳтсиз бўлсанг, менинг ҳам сенга бўлган муҳаббатим шунчалар кучайиб боради, ўртамиздаги масофа шунча кўлетмас бўлиб узоқлашди. Тушуняпсанми? Мен сени алдаётганим йўқ. Мана энди буларнинг ҳаммаси хато эканини кўриб турибман. Мени кечир! Сенга худбинларнинг худбини сифатида қарабман, сендан юз ўгирмоқчи бўлибман. Ахир ўзимиз бу дунёда ожиз ва ёлғиз бўлсак, шундан бошқа иложимиз ҳам йўқ, умрбод вафо қилмоқdir. Инсоннинг нимага курби етса, иложи борича, шуни қилишга уриниши керак экан, буни мен энди англаб етдим. Майли, қилган ишинг арзимас бўлсин. Масалан, момақаймоқдан гулдаста ясаб ёрга тақдим этиш — бу чинакам жасени ташлаб қўймайман. Ҳар куни шеърлар тўкиб, сенга юбориб турман. Ҳар куни уйингнинг ёнида олтида менинг найимдан сен учун ҳарбий марш янграйди. Ҳозирча бирдан-бир қўлимдан келадиган шу. Устимдан кулма. Тезроқ тузалсанг бўлгани. Ҳудо ҳам бизнинг муҳаббатимизни кузатиб тургандир. Биз унинг сўйган бандасимиз — сен ва мен. Ажойиб эр-хотин бўламиз.

Мен-чи, интиқ эдим,
Деразам ортида мана ниҳоят
Шафтоли гуллади,
Гуллади бодга.

Одамлар гулларни оқ рангда, дейди.
Нечун гуллар қизил менинг боғимда?

Мен ижод қиляпман, ишларим ёмон эмас. Эртагача хайр. М. Т.”

— Раҳмат! — деди синглим аста. — Хатни сиз ёзганингизни мен яхши биламан-ку, ахир.

Уялганимдан ўзимни қўярга жой тополмасдим. Сочларимни битта-битта юлиб, хатни майда-майда

28 САОДАТ 2025/6

қилиб ташлагим келарди. Эҳтимол, шундай аҳволга тушган одамни ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмади, десалар керак-да. Рост, бу хатни мен ёзган эдим. Мен синглимнинг изтиробларига лоқайд қараб туролмасдим. Шунинг учун М. Т.нинг ёзувига тақлид қилиб қўлимдан келганича шеър тўкиб, хат жўнатиб турмоқчи ва ҳар куни кечкурун соат олтида яширинча бокқа чиқиб най чалмоқчи бўлган эдим. Шармандалиқдан лавлагим чиқиб кетди. Ахир, мен ўз хатимда бир бало қилиб шеър ҳам тўқиган эдим-да.

— Хижолат бўлманг... — деди синглим негадир жилмайиб, ҳатто бироз кўтаринки руҳда... — Янглиш масам, кўк лента билан боғлаб қўйилган хатларни ўқиганга ўҳшайсиз, шундайми? У ерда ёзилган гапларнинг ҳаммаси ёлғон. Мен бутунлай ёлғиз эдим, шунинг учун ўзимни овутиш мақсадида бурноғи йил куздан бошлаб ўзимга-ўзим хат битиб поча тутисидан жўнатиб турдим. Шунинг учун ҳам мени овутишнинг ҳожати йўқ. Ёшлик — шундай ажойиб ва гўзалки, мен буни бетоб бўлганимдан кейин яна ҳам чуқурроқ ҳис қила бошладим. Ўз-ўзига хат ёзиш тентакликнинг ўзгинаси. Мен бирорта йигитни севиш у ёқда турсин, шу пайтгача бирон-бир йигит билан сўзлашганим ҳам йўқ. Менимча, сиз ҳам шунақасиз. Биз ўта доно эканмиз, ҳамма хатомиз ҳам ана шунда. Эҳ, эсиз менинг кўлларим, бармокларим, соchlарим...

Фам, кўрқинч қувонч туйгулари — бари қўшилиб қалбимни чулғаб олди. Нималар бўлаётганига ақлим бовар қилмасди, юзимни синглимнинг сўлғин юзига босганча хўнграб йиғлар эдим. Шу пайт, ҳа, айни шу пайтда қаердандир майнин куй эшитилди. Унинг қандай куй эканлигини англаб бўлмасди, жуда секин эшитиларди, лекин бу най овози эканига шубҳам йўқ эди. Биз жимгина куйга қулоқ солдик. Соатга қарасам, олти бўлиди. Бир-бirimizni маҳкам кучганча қандайдир кўркув ичра қимир этмай бу ғалати овозга қулоқ солдик, овоз боғ ичидан — олчалар орасидан келмоқда эди!

Худо бор экан! У барини қўриб турибди! Мен ўша дақиқада бунга яна бор ишондим.

Орадан иккى кун ўтга синглим вафот этди. Врач синглимнинг ёнида бошини қуий эгган куйин унинг нафас олишига қулоқ тутарди. Чунки синглим сал аввал секин нафас олиб турган эди-да. Бироқ мен ажабланмадим. Най овозини аниқ эшитганимга имоним комил эди. Балки, мен бехуда ишонгандирман, ўша куйни боғда отам чалдимикан, деган ўй ҳам ҳаёлимга келди. Ахир ҳамма нарса бўлиши мумкин-ку! У ишдан қайтиб келгач қўшни хонада бизнинг сухбатимизни эшитиб, мен билан синглимга раҳми келиб, най чалган бўлса-чи?

Эҳтимол... Отам ҳаётлигига ўн беш йил давомида бу гапни сўрашга юзим чидамади, сўнг эса бу воқеа тақозоси билан рўй берганига ишонч хосил қилдим.

Русчадан
Шафоат ИНОГОМОВА таржимаси

ХАЛОСКОР МАЛИКА



Тарихимизда Томир Хотун, Кабач Хотунлар сингари ўз эли, юрти тинчлиги учун душманга карши курашган аёллар кўп бўлган. Момоларимиз ҳам ўтмишда эркаклар қаторида кўлига курол олиб тинчлик, эркинлик учун жанг кишишган. Шулардан бири ўз юртни урушдан, қон тўкилишидан саклаб қолган фаргоналик малика Хотундир. Ц

Фаргона маликаси 700-726-йилларда шу худудда хукмдорлик қилган подшоҳ Алутар-нинг онаси бўлган. Бу подшоҳлар Ашинали турк хоқонларининг авлодидан эканлигини инобатга олсан, малика Хотун ҳам хукмрон зодагон оиласидан етишиб чиқсанлигини, кейин бўлганлиги аён бўлади. Хотуннинг исми, Ашиналилар сулоласига келин бўлганлиги Ашиналилар сулоласига афсуски, ҳозиргача бизга маълум манбаларда қайд этилмаган, Фаргона маликаси дейиш би-иилларига асосланиб ушбу Хотун VII асрнинг қилинишидан саклаб қолинди. Бу ҳодисаларда малика Хотуннинг оқилона, узокни ўйлаб сиёсат юритган иккинчи ярмида яшаган, дейишими мумкин.

Манбалардан бизга маълумки, хотин-қиз-ўрин тутган, айнан подшоҳ хонадонига мансуб аёлларга Хотун унвони берилган. Бу унвон одатда подшоҳларда ҳалок бўлишдан, уй-жойлар, урушларда ҳалок бўлишдан, тўғри, бу сулҳа кочкин сүғдийларнинг заарига ишлади. Лекин бир талаФаргона маликаси бўлган Хотунда ҳам яққол завжаларига улуғ мартабага эга бўлиб, давлат саройида фаол иштирок этган. Бу холат кўринади. Хотуннинг асосий сиёсий ва ҳарбий фоалияти, асосан, ўғли Алутарнинг хукмронлик йилларига тўғри келади. Бунда малика ўғлига ўртни бошқаришда кўмаклашган, маслаҳатларни кабул қилининг олди олинди.

Ислом БЎРИЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Тарих институти илмий ходими



САОДАТ

Уибӯ сонда:

Ўзбекистон Республикаси
хотин-қизларининг ижтимоий-
сиёсий, адабий-бадиий,
безакли журнали
1925 йилдан чиқа бошлаган

6-сон (963) 2025 йил

МУАССИС:
Оила ва хотин-қизлар қўмитаси
БОШ МУҲАРРИР:
Мунаввара УСМОНОВА

Жамоатчилик кенгаси:
Танзила НАРБАЕВА
Зулайҳо МАҲКАМОВА
Раъно ТУРДИБОЕВА
Дилбар ФУЛОМОВА
Мукаррам Нурматова
Муножат ЙўЛЧИЕВА
Озода ПАРПИБОЕВА
Гулистон МАТЕҚУБОВА
Саодат БОЙМИРЗАЕВА

- 1 Оила ва хотин-қизлар
қўмитасида
"Оқила аёллар"
одамлар орасида
- 4 Ўзбекистон ифтихорлари
Дилсора Нурмурадова
Олтин дарвозанинг мөхир
дарвазабони
- 11 Кутлов
Жўшқин Қорабулут
Эҳтиром
- 22 Наср
Муяссар Тиловова
Лайлак уяси
- 25 Хориждан мактуб
Холида Пардабоева
"Ўзбекистонни соғиниб
яшайман..."

"Саодат" журнали ҳар ойда манзилга етиб боришида муаммолар пайдо
бўлса ёки журналда чоп этилган материаллар ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз
бўлса, қуидаги телефон рақамларига мурожаат қилинг. Биз учун
фикрларингиз қадрли, кутамиз.

(93) 555-49-09

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани
М.Исмоилий Г-1.
Веб сайт: saodatjurnali.uz


ISSN 2010-541X.
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси хузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2022 йил

5 январда 8831-рақам билан
рўйхатга олинган.

"ALDIN GROUP" МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.
Нашр индекси - 867.
Буюртма - 6/25
Адади 1700 нусхада босилди.
Коғоз бичими 60x84 1/8.
Хажми - 5,75 табоқ
Баҳоси келишилган нархда.



Бухоролик
Матлабхоним ва
Мустафо Курбоновлар
оиласи ҳаёти меҳр
билин файзли,
маърифат билан
чароғон.





www.saodatjurnali.uz